

The logo for «A-Pay» is located in the top left corner. It consists of the text «A-PAY» in a stylized, blocky font, with a hyphen between the 'A' and 'PAY'. The text is white and is set against a light yellow rounded rectangular background with a dark blue border.

«A-Pay» ЭЛЕКТРОН ПУЛ ТИЗИМИДА АКЦИЯЛАР ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ (ТАРТИБЛАРИ)

2023 йил «20» июнь



1. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. Ушбу қоидалар (бундан кейин матнда – Қоидалар деб юритилади) рағбатлантирувчи Акцияларни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий шартларини тартибга солади. Ҳар бир аниқ Акцияни ўтказиш тартиби ушбу Қоидаларга қўшимча ҳисобланади.
- 1.2. Акцияни ўтказиш ҳудуди – Ўзбекистон Республикасидир.
- 1.3. «CENTER FOR DIGITAL TECHNOLOGY AND INNOVATION» МЧЖ – «А-Рау» Электрон пул Тизимлари Оператори (бундан кейин матнда –Оператор, Тизим Оператори деб юритилади) Акция ташкилотчиси ҳисобланиб, юридик манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор 9-тор кўчаси, 1А-уйда жойлашган, СТИР 306 344 019, ИФУК 58290.
- 1.4. Ҳамташкilotчилар, Ҳамкорлар ҳақидаги маълумот ҳар бир муайян Акцияда кўрсатилади.
- 1.5. Акция ўтказилишидан мақсад Электрон пуллари оммалаштириш ва тарғиб қилиш, шунингдек, «А-Рау» Электрон пул Тизимида таклиф этилаётган хизматлар ва сервисларга хайрихоҳликни оширишдан иборатдир.
- 1.6. Акция таваккалга асосланган лотерея ёки бошқа бир ўйин эмас.
- 1.7. Акцияда қатнашиш ихтиёрий бўлиб, Иштирокчиларнинг Операторнинг <https://www.a-pau.uz> манзили бўйича расмий сайтида ва/ёки мобил иловада жойлашган ушбу Қоидалари билан танишиб чиққанлигини ва уларга сўзсиз розилигини билдиради.
- 1.8. Акция ўтказиладиган кунларда унинг шартларини бажарган Иштирокчиларни рағбатлантириш сони чекланмаган.
- 1.9. Маълум бир Акцияни ўтказиш шартлари ва муддатлари тўғрисидаги барча батафсил маълумот Операторнинг <https://www.a-pau.uz> манзилидаги сайтида ва/ёки мобил иловада жойлаштирилади.
- 1.10. «А-Рау» Электрон пуллар Тизимининг Оператор билан шартнома тузган Иштирокчилари Акция Қатнашчилари бўлишлари мумкин.
- 1.11. Акциянинг ўтказилиш муддатлари муайян Акцияни Операторнинг сайтида ва/ёки мобил иловасида жойлаштирилаётганда кўрсатилади.

2. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

- 2.1. Акция – бу унинг мажбурий шарти Иштирокчи томонидан «А-Рау» Электрон пул Тизимидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган операциялар ва Иштирокчиларни рағбатлантириш билан кечадиган Акция ташкилотчиси ташаббуси билан ўтказиладиган рекламали рағбатлантирувчи ёки бошқа маркетинг тадбиридир.
- 2.2. Иштирокчи – Оператор билан шартнома тузган, ушбу Қоидаларга қўшилган ва муайян Акцияда баён этилган шартларга кўра Акцияда қатнашувчи, «А-Рау» Электрон пул Тизимининг Иштирокчилари.
- 2.3. Оператор Сайти – Оператор томонидан Интернет тармоғида <https://www.a-pau.uz> манзили бўйича жойлаштирилган веб-саҳифанинг умумлашган ҳолати.
- 2.4. Мобил илова – смартфонлар, планшетлар ва бошқа мобил қурилмаларида ишлашга мўлжалланган дастурий таъминот.

3. АКЦИЯЛАРНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

- 3.1. Акцияда қатнашиш учун Иштирокчи «А-Рау» Электрон пул Тизимининг Иштирокчиси бўлиши, Акциянинг ушбу умумий қоидаларининг, шунингдек, Оператор сайтида ва/ёки мобил иловада жойлаштирилган муайян Акциянинг шартларини бажариши зарур.
- 3.2. Акция Иштирокчиларига нисбатан қўйиладиган талабларга мос келмаган Иштирокчилар Акция Қатнашчилари деб тан олинмайди. Акцияда кўрсатилган талабларга мос келувчи ва ушбу Қоидаларда ҳамда Акция талабларида кўрсатилган операцияларни амалга оширган Иштирокчилар Акция Қатнашчилари деб эътироф этилади ҳамда ҳар бир муайян Акцияда кўрсатилган бонуслар ва бошқа мукофотларни олишга даъво қиладилар.
- 3.3. Акция Иштирокчилари тақдим этади, Ташкилотчи эса ишлов берилиши шахсий маълумотларга ишлов бериш Сиёсатига ва Ўзбекистон Республикасининг «Шахсий маълумотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлов бериладиган шахсий маълумотларни Иштирокчилардан олади.
- 3.4. Акция Ташкилотчиси Иштирокчи Акцияда қатнашиши муносабати билан юзага келиши мумкин бўлган зиёнлар, харажатлар ва бошқа ҳар қандай чиқимларни қопламайди ҳамда тўламайди.
- 3.5. Ташкилотчи Оператор Сайти ва/ёки мобил иловада Акциялар тўғрисидаги қўшимча ахборотни ва Акция шартларига ўзгартиришлар киритиш бўйича маълумотларни жойлаштириш йўли билан чоп этишга ҳақли.
- 3.6. Акцияни ўтказиш тартиби, шунингдек, уни ўтказиш муддатлари ҳар бир муайян Акцияда кўрсатилади.

4. АКЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Иштирокчи қуйидагиларга мажбур ҳисобланади:

- 4.1.1. Ушбу Қоидалар ва муайян Акция талабларига риоя қилиш;
- 4.1.2. Операторга бонуслар ва бошқа мукофотларни олишда зарур бўлган ишончли, тўғри ҳамда муҳим маълумотларни тақдим этиш;
- 4.1.3. Акцияда иштирок этган тақдирида ушбу умумий Қоидалар, шунингдек, муайян Акция талабларида назарда тутилган барча зарур ҳаракатларни амалга ошириш;
- 4.1.4. Бегона номни тақдим этмаслик, бегона ҳужжат ва/ёки нотўғри ахборот (маълумот)дан фойдаланмаслик;
- 4.1.5. Акцияда иштирок эта туриб, айнан эса ушбу умумий Қоидаларда кўрсатилган, шунингдек, ҳар бир аниқ Акцияда қайд этилган, Акциянинг қатнашиш мақсади бўлган конклюдент ҳаракатлар, операциялар кетма-кетлигини амалга оширган ҳолда Иштирокчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

Акция ўтказилиши билан боғлиқ шахсий маълумотларига ишлов берилишига ўз розилигини билдиради;

Ушбу Қоидалар билан келишади;

Ўзининг Қоидаларда белгиланган бошқа талабларга мослигини тасдиқлайди. Ташкилотчи Иштирокчининг ёшини, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни текшириш, ҳар бир муайян Акцияни ўтказиш мақсадида зарур бўлган бошқа ахборот тақдим этилишини талаб қилишга ҳақлидир. Иштирокчи Ташкилотчи исталган вақтда, олдиндан огоҳлантирмаган, сабабини изоҳламаган ҳолда унга бонуслар ва бошқа мукофотлар олишини рад этиши ҳолатига ўз розилигини билдиради ва буни қабул қилади.

4. 2. Акция Иштирокчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4. 2. 1. Ушбу Қоидаларга ва муайян Акция ўтказилиши талабларига мувофиқ Акцияда қатнашишни қабул қилиш;

4. 2. 2. Акция ўтказилиш муддатлари ва шартлари тўғрисида ахборотни олиш;

4. 2. 3. Акцияда қатнашишни исталган вақтда рад этиш.

4. 3. Акция Иштирокчиси сифатида белгиланган талабларга жавоб бермайдиганлар **Акция Иштирокчилари томонидан тан олинмайди ва** унда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

4. 4. Ташкилотчининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

4. 4. 1. Ташкилотчи Акцияни ушбу Қоидалар ва муайян Акция талабларида белгиланган тартибда ўтказишни ўз зиммасига олади;

4. 4. 2. Интернет ресурсида Акцияни ўтказиш учун техник имкониятлар билан таъминлайди.

4. 5. Ташкилотчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

4. 5. 1. Исталган вақтда, бир томонлама тартибда, олдиндан огоҳлантирмаган ҳолда ушбу Қоидаларга ва муайян Акция талабларига ўзгартиришлар киритиш ёки Оператор сайтида ва/ёки мобил иловада ахборотни жойлаштириш йўли билан Акцияни бекор қилиши мумкин. Қоидаларнинг янги версияси ва/ёки аниқ бир Акциянинг талаблари агар бошқа тартиблар кўрсатилмаган бўлса, улар Оператор Сайтида ва/ёки мобил иловада жойлаштирилган вақтидан бошлаб, ҳақиқий ҳисобланади.

4. 5. 2. Агар Акцияни қандайдир сабабга кўра режалаштирилган тарзда, жумладан, Акция Оператори томонидан назорат қилинмайдиган ҳар қандай сабаб бўйича ўтказиб бўлмаса, у ўз хоҳишига кўра бир томонлама тартибда Акция ўтказишни бекор қилиши ёки вақтинча тўхтатиши мумкин. Акцияни муддатидан олдин тугаллаш/тўхтатиш даъво қилиш учун сабаб бўла олмайди.

4. 5. 3. Электрон почта манзилига SMS-хабар ва бошқа имконият усулларида ахборот хабарларини жўнатиш.

4. 5. 4. Акция Иштирокчилари билан ёзма музокаралар ёки бошқа мулоқотларга киришмаслик;

4. 5. 5. Ўз хоҳишига кўра, Иштирокчиларга сабабини изоҳламаган ва улар билан ёзишмаларга киришмаган ҳолда агар Иштирокчи ушбу Қоидалар, Бонус Дастурининг Қоидалари ва аниқ Акция Қоидаларини бузиб, ҳаракат қилган бўлса, Акция Иштирокчиларининг ҳар қандай ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш.

4. 6. ушбу Қоидаларга мувофиқ бонуслар ва бошқа мукофотларни тақдим этиш Ташкилотчининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Ушбу Қоидаларда ҳеч нарса Иштирокчи ёки бошқа учинчи шахслар томонидан Ташкилотчи ва/ёки Ҳамташкilotчи, ва/ёки Акция Ҳамкорининг Иштирокчи ёки бошқа учинчи шахс томонидан ҳар қандай шартномани тузиш,

чегирма, бонуслар тақдим этиш ёки бошқа (ҳар қандай) ҳаракатларни кафолатланган ҳолда амалга ошириш мажбурияти сифатида талқин қилиниши ва баҳоланиши мумкин эмас.

4. 7. Ташкилотчининг Иштирокчи олдидаги жавобгарлиги Иштирокчи эга бўлган мукофотлаш ҳуқуқи билан чекланади.
4. 8. Ташкилотчи хоҳишига кўра, Иштирокчиларга сабабларини тушунтирмаган ва улар билан ёзишмаларга киришмаган ҳолда Акция Иштирокчисининг ҳар қандай ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб тан олиш, шунингдек, Ташкилотчида Иштирокчи маълумотларни сохталаштириши ва/ёки фойдани чиқариши билан боғлиқ асосли шубҳа пайдо бўлганда исталган Иштирокчини Акцияда келгусида қатнашини тақиқлаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

5. ЖАВОБГАРЛИК

5. 1. Ташкилотчи Акция Иштирокчилари олдида қуйидагиларга мажбур эмас:
 5. 1.1. Иштирокчилар томонидан ушбу Қоидаларда назарда тутилган мажбуриятларини бажармаганликлари учун, жумладан, улар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг ишонсизлиги (шубҳали) ва ўз вақтида берилмаганлиги учун;
 5. 1.2. Иштирокчиларга бевосита хизмат кўрсатувчи компания, интернет-провайдерлар, алоқа операторлари ишидаги узилишлар, Иштирокчи олдида Ташкилотчининг мажбуриятларини бажариш имкони бўлмаган бошқа кутилмаган вазиятлар учун;
 5. 1.3. Телекоммуникация ва электр тармоқларидаги, зарарли дастурларнинг ҳаракати, шунингдек, учинчи шахсларнинг Ташкилотга тегишли дастурий мажмуага рухсатсиз кириш ва/ёки ишдан чиқаришга қаратилган ноинсофларча ҳаракати туфайли мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги оқибатида келиб чиққан носозликлар учун;
 5. 1.4. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган форс-мажор вазиятлар учун;
 5. 1.5. Акция Иштирокчиларининг қандайдир хатолари оқибатлари, жумладан, уларга етказган зарарлар учун.

6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6. 1. Ушбу Қоидалар Операторнинг веб-сайтида ва/ёки мобил иловасида эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киради.
6. 2. Ташкилотчи бир томонлама тартибда ушбу Қоидаларни ўзгартириш ёки Операторнинг веб-сайти ва/ёки мобил иловасида тегишли хабарни жойлаштириш орқали Иштирокчини хабардор қилиш билан Акцияни бекор қилишга ҳақли. Оператор веб-сайтида ва/ёки мобил иловасида тегишли маълумотлар эълон қилинган пайтдан бошлаб, Қоидалар ўзгартирилган деб ҳисобланади ва Акция бекор қилинади.
6. 3. Муайян Акция талабларида кўрсатилган Акцияда иштирок этиш учун ҳаракатни амалга оширувчи Иштирокчи қуйидагиларни тақдим этади:
 6. 3.1. ушбу Қоидалар шартлари ва Ташкилотчи томонидан белгиланган муайян Акция Қоидаларига тўлиқ ва сўзсиз розилик, Ташкилотчи томонидан белгиланган Акцияда

иштирок этиш талаблари билан келишиш;

- 6.3.2. Ташкилотчи томонидан шахсий маълумотлар, шунингдек Иштирокчи тўғрисидаги бошқа маълумотлар (фойдаланувчи идентификатори, фойдаланувчи номи, электрон почта манзили, тизимда рўйхатдан ўтиш пайтида илгари берилган маълумотлар) қуйидаги шахсий маълумотларни тўплаш, қайд этиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), ажратиб олиш, фойдаланиш, эгасизлантириш, блокировкалаш, ўчириш, йўқ қилиш каби ҳаракатлар билан қайта ишланишига розилик бериш. Шахсий маълумотларни қайта ишлаш автоматлаштириш воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳам, улардан фойдаланмасдан ҳам амалга оширилади. Иштирокчи, шунингдек, шахсий маълумотларини учинчи шахсларга узатишга тўлиқ розилигини беради. Розилик Акциянинг бутун муддати давомида ва у тугганидан кейин уч йил давомида амал қилади. Акция Иштирокчиси Акция Ташкилотчисига рўйхатдан ўтган почта орқали тегишли билдиришномани қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома юбориш орқали шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилигини қайтариб олишга ҳақли. Агар шахсий маълумотларни қайта ишлашга розиликни бекор қилиш мукофотни олишга тўсқинлик қилса, Акция Ташкилотчиси Иштирокчини бундай мукофотни олишдан маҳрум этишга ҳақли.
- 6.3.3. Шахсий маълумотларни, бошқа маълумотларни қайта ишлаш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:
 - Ташкилотчида Акция ўтказиш билан боғлиқ юзага келган ёки юзага келиши мумкин бўлган мажбуриятларни бажариш;
 - Ташкилотчи томонидан Акцияга нисбатан, жумладан, электрон алоқа тармоқлари, SMS-хабарларини юбориш, электрон почта ва бошқа усуллар орқали юбориш йўли орқали Иштирокчилар билан алоқаларни амалга ошириш.
- 6.4. Иштирокчининг шахсий маълумотларни қайта ишлашга розилиги Иштирокчи ушбу Қоидаларда ва муайян Акция талабларида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширган пайдан бошлаб ҳақиқий ҳисобланади ва ушбу Қоидалар ҳамда муайян Акциянинг амал қилиш муддати давомида ҳақиқий ҳисобланади.
- 6.5. Акция Ташкилотчисининг ушбу Қоидаларда назарда тутилган ҳолатлар ва асослар бўйича қабул қилинган қарорлари яқуний ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди. Акция Ташкилотчиси қарор қабул қилиш асослари ва сабаблари ҳақида изоҳ бермайди.
- 6.6. Ушбу Қоидаларнинг бирон-бир бандининг ҳақиқий эмаслиги ёки бажарилмаслиги бошқа бандларнинг ҳақиқийлигига ёки бажарилишига таъсир қилмайди. Агар бирон-бир қоида нотўғри ёки бошқа тарзда амалга оширилмайдиган ёки ноқонуний деб топиладиган бўлса, у ҳолда ушбу Қоидалар амал қилишда давом этиши ва агар уларда ҳақиқий бўлмаган қоидалар мавжуд бўлмаса, уларнинг шартларига мувофиқ талқин қилиниши лозим бўлади.
- 6.7. Ушбу Қоидаларнинг шартлари ва муайян Акция қоидалари ўртасида зиддият юзага келган тақдирда, Томонларнинг муносабатларига муайян Акция Қоидаларининг бандлари қўлланилади.
- 6.8. Акцияга оид барча саволлар бўйича Иштирокчи Ташкилотчига мурожаат қилиши мумкин.
- 6.9. Акциянинг барча Иштирокчилари Акцияда иштирок этиш билан боғлиқ барча харажатларни мустақил равишда тўлайдилар (шу жумладан, Интернетга кириш билан боғлиқ харажатларни).
- 6.10. Ушбу Қоидалар Акцияларни ўтказишнинг ягона расмий Қоидаларидир. Ушбу Қоидаларни ноаниқ талқин қилишга имкон берадиган вазиятлар ва/ёки ушбу Қоидалар билан тартибга

солинмаган масалалар юзага келган тақдирда, бундай талқин ва/ёки тушунтириш бўйича якуний қарор тўғридан-тўғри ва фақат Акция Ташкилотчиси томонидан қабул қилинади.

- 6.11 Муайян Акцияларнинг талаблари Акцияни ўтказиш Қоидаларига нисбатан мажбури Илова ҳисобланади.
- 6.12 Ушбу Қоидалар Ташкилотчининг веб-сайтида ва/ёки мобил иловасида жойлаштирилган.